O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 7-dekabr • N51 (3636)


# БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУҒ МАҚСАД ЙЎҚ

*Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси ўз ишини бошлади. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир бўлган фожеали воқеалардан сўнг минтақада ва дунёда вужудга келган вазиятни чуқур ва батафсил таҳлил қилиб берди.*

*Парламент Президент Ислом Каримов маърузасида баён қилинган Ўзбекистоннинг минтақада ва дунёда юзага келган бугунги мураккаб вазиятдаги қатъий нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб, Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилди.*

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Азиз ватандошлар!

Олий Мажлисимизнинг сессияси кун тартибига қўйилган масала — халқаро терроризмга қарши курашда доимо сафарбар, доимо огоҳ бўлишимиз ҳақидаги масала — ҳозирги вақтда, ҳеч шубҳасиз, дунё миқёсидаги энг муҳим ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй бераётган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бормоқда. Яъни, бегуноҳ одамларни ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва турар-жойларни портлатиш, босқинчилик, қўпорувчилик каби мисли кўрилмаган жиноятлар орқали миллионлаб инсонларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш, қўрқитиш ва зўравонлик билан ўзининг қабиҳ ниятларига эришишга қаратилган тажовузкор ҳаракатлар авжига чиқиб, шафқатсиз тус олмоқда.

Айниқса, шу йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган, бир неча дақиқада минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ваҳшийлик ер юзидаги барча миллат ва халқларнинг кўзини бу аччиқ ҳақиқатга очиб берди.

Халқаро терроризмнинг ана шундай ўтакетган ёвуз кирдикорлари дунёдаги барча соғлом фикрли кишиларнинг қаҳру ғазабини уйғотди, унга нисбатан бефарқ бўлиш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатди.

Шу ўринда мен терроризм ҳақида, бу балою офатнинг илдизлари, бугунги мудҳиш қиёфаси ҳақида гапирганда, ўзига эътиборни тортадиган баъзи бир омиллар ва сабаблар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** бундай зўравонлик намойишлари илгари ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда дунёнинг турли минтақаларида ўзининг манфур башарасини кўрсатиб келган бўлса-да, эндиликда ана шу қабиҳ ҳаракатларнинг бир-бири билан тобора чамбарчас боғланиб кетаётганини англаш қийин эмас.

Бошқача айтганда, гарчи террорчилик ҳаракатларининг бири, айтайлик, Филиппинда, бири Болқонда, бири Чеченистонда, яна бири Яқин Шарқ ёки бошқа минтақа ва давлатларда амалга оширилаётган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг барчаси бир занжирга боғлангани, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Бундай марказларнинг террорчи тўдаларни уюштирадиган, уларни маблағ билан таъминлайдиган, қуроллантирадиган, ваҳшиёна жиноятларга сафарбар этадиган, нафақат айрим минтақа ва қитъаларга қарши, балки бутун дунё, бутун инсониятга қарши ёвуз режалар тузаётган мудҳиш кучга айланиб кетаётганини инкор этиб бўлмайди.

**Иккинчидан,** халқаро терроризмнинг шу даражага етиши, унинг бутун башарият, жаҳон цивилизациясига қарши офатга айланиб қолганининг яна бир сабаби, кўпгина давлатлар ва уларнинг раҳбарлари, дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бош кўтариб келаётган мана шундай хавфли офатга охирги пайтгача эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормаганида, деб биламан.

Очиқ айтиш керакки, шулар қаторида айрим сиёсатдонлар, давлат арбоблари ва раҳбарлари балки бу хавф-хатарнинг жирканч башарасини сезган бўлса-да, унинг эртанги зарар-зулмини англаган бўлса-да, бу аланга бугун бизлардан узоқ масофада кимнингдир уйини куйдиряпти, мени эса четлаб ўтади, деган хом хаёлда юргани сир эмас, бу ҳам афсуски, аччиқ ҳақиқат.

Бундай номаъқул калтабинлик, бундай ўйинларнинг яна бир кўриниши — мана шу террорчи жоҳиллар ва уларнинг орқасида турган кучлар билан тил топишишга уриниш, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган сиёсатни олиб бориш ҳолатлари ҳам бугун виждонли одамларни ҳайратда қолдиради.

Таассуфки, бизнинг баъзи қўшниларимиз ва ошноларимиз ҳам бундан истисно эмас.

Бугун вазият ўзгариб бораётганини сезиб, бундай арбоблар ўзларининг терроризмга қарши доимо ашаддий курашчи бўлганини ҳар қадамда кўрсатишга ҳаракат қилишлари ҳам ақли расо кузатувчиларнинг назаридан четда қолмаяпти, деб ўйлайман.

**Учинчидан,** тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм офатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли, энг ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қололмаслиги бугунги кунда халқаро жамоатчиликка аён бўлмоқда.

**Тўртинчидан,** бу даҳшатга қарши халқаро ҳамжамият, биринчи галда, қудратли маърифий давлатларнинг кучларини бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига, бу балодан, нафақат унинг кўринишларини, балки бу балонинг орқасида турувчи марказларни ҳам таг-томири билан, яна бир бор айтаман, фақат таг-томири билан қўпориб, супуриб ташлаш билангина қутулиш мумкинлигига жаҳон жамоатчилиги қайта-қайта иқрор бўлмоқда.

Мана шундай қарорга келган давлатлар, ниҳоят, бугун терроризмга қарши кураш йўлида коалиция тузиб, баҳамжиҳат бўлиб, ўзининг барча куч ва имкониятларини бирлаштирмоқда.

Энг муҳими, қайси миллат ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, жаҳоннинг барча халқлари ва элатлари бугун терроризмга нисбатан ўз муносабати, ўз нафратини билдирмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро терроризмга қарши бошланган кураш — бу офат ўзининг жирканч башарасини қаерда, дунёнинг қайси чеккасида намойиш қилмасин — бу ёвуз ҳаракатларнинг барчасига қарши кураш олиб бориш ҳақидаги қатъий қарор бутун жаҳон миқёсида эълон қилинмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун терроризмга қарши эълон қилинган урушни асло мусулмон динига, алоҳида халқ, биронта миллат ёки давлатга қарши эмас, балки, аввало, халқаро терроризм ва унинг “доҳий”ларига қарши, уюшган тўдалар ва экстремистик марказларга, уларнинг уяларига, база ва полигонларига қарши эълон қилинган узоқ ва давомли кураш, деб тушуниб, бу ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, йигирма йилдан ортиқ давом этаётган уруш Афғонистонни терроризм маконига, бировни назар-писанд қилмайдиган, бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган мудҳиш кучлар уясига айлантирди.

Оқибатда бу ҳудуд дунёнинг турли бурчакларида, шу жумладан, ўзимизда ҳам, оғир жиноятларни содир этиб, қўли қонга ботган, на отасини, на онасини тан оладиган жиноятчи ва жоҳил кимсалар паноҳ топадиган макон бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам баъзи бир одамлар соддалик қилиб, баъзилар эса ғаразгўйлик билан айтаётган, яъни Америка Қўшма Штатлари бугун Афғонистонга қарши, у ерда яшаётган мусулмонларга қарши уруш қилмоқда, деган гапларда ҳеч қандай асос йўқлигини қатъият билан таъкидлаш керак.

Аслида, бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Лекин шундай одамлар ҳам топилишини назарда тутиб, биз бу ҳақиқатни яна бир бор такрорлашга мажбурмиз.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслигимиз зарурки, терроризмга қарши кураш — бу бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Чунки башарият тақдирига дахлдор бўлган ушбу масалани охирига етказмасдан туриб, бу даҳшатли офатни бутунлай йўқ қилмасдан туриб, бу курашни тўхтатиб бўлмайди.

Муҳтарам депутатлар!

Энди ижозатингиз билан халқаро терроризмга қарши кураш масаласига давлатимизнинг муносабати ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга яхши маълумки, бу масала бўйича бизнинг аниқ қарашимиз ва позициямиз шу йил 5 октябрда эълон қилинган Баёнотда, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда ўз ифодасини топган.

Ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз бундан етарлича хабардор.

Бунга қўшимча қилиб фақат шуни айтиш мумкинки, агар 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган фожиали воқеалар жаҳон харитасидаги кўпчилик давлатлар учун кутилмаган, даҳшатли ҳодиса бўлган бўлса, биз бу бало-қазо билан анча илгаридан буён тўқнашиб келамиз.

Ўзбекистон террорчиликнинг жирканч қиёфасини ўз остонаси, ўз ҳудудида аввалроқ кўриб, бутун дунё аҳлини огоҳлантиргани, бу офатнинг олдини олиш энг долзарб муаммога айланиб кетаётганига даъват этиб, кўп-кўп мурожаатлар қилганини жамоатчилигимиз яхши билади.

Агар терроризм бугун бизнинг юртимизга таҳдид солиб турган бўлса, эртага у вабо каби бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиб кетиши, бошқаларнинг ҳам уйини

Давоми 2-бетда

Кулфатнинг қаерда ва қачон пайдо бўлиши баъзан ноаниқ ҳам бўлар экан. Лекин терроризм балоси эндигина тирноғини кўрсатаётган пайтларда бизнинг Президентимиз инсониятни бир эмас, бир неча маротаба огоҳлантирганлигини ҳаммамиз биламиз. Бундай даъватларни нажот фаришталаригагина хос дейиш мумкин.

Афсуски, Ер юзидаги кўпгина салтанатлар ушбу огоҳлантиришга ўз вақтида қулоқ тутмадилар. Террорчиларнинг Афғонистон заминида ажал фабрикаси қуриб олгани, наинки бошқаларнинг, балки афғон халқининг ҳам бошига бало бўлди, бу кўҳна заминнинг шўрини қуритди.

Аслида дунёда ҳеч бир халқ ёки бирор дин табиатан террорист бўлиб яралган эмас. Бу ўринда дину миллатларнинг фарқи йўқлиги барчага аён бўлди. Афсуски, ёвузликнинг ҳам тарихи узоқдир. Бир замонлар Мирзо Улуғ-


**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис депутати**


## ОГОҲ БЎЛ, ИНСОН!

бекни қатл этган падаркуш Абдуллатиф ҳақида гапириб, Бобур Мирзо: «Бу беш кунлик ўтар дунёда кекса отасига зулм ўтказди», деб нолиган эди.

Демакким, ёмонлик инсоният тарихида доимо ғазаб уйғотиб келган. Бугунги кунда мусулмон ҳам, насорон ҳам, бутпараст ҳам бу кулфатдан баб-баробар жафо чекдилар. Катта-кичик давлатлар ёвузликка қарши курашда бирлашдилар. Ахир, ёвузлик ва жаҳолат ҳам бирлашиб турибди-ку. 16 феврал воқеалари эса бизнинг ёдимиздан кўтарилган эмас ва кўтарилмайди ҳам.

***Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,***
***Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай,***

ёки:

***Бир пашшага оламда еткурма зарар ҳаргиз,***

дея нидо чеккан бобомиз Алишер Навоийнинг қабри атрофларида ёвузлик ин қургани қанчалик нохуш бўлса, бу ёвузликнинг даф бўлаётгани ҳам бизга шунчалик қаноат бағишлайди.

Президентимиз ҳар бир маърузаларида қўшнинг тинч – сен тинч, дея уқтириб келаётирлар. Дарҳақиқат, ёнгинангда биров сенга ёвуз ва суқ назар билан қараб турса, қурол ўқталиб турса, наинки ўнгинг, балки тушинг ҳам безовта бўлажак.

Ёвузлик чегара билмас экан. Унинг касофати минтақамиздан йироқ муҳташам ва қудратли Америкага ҳам бориб етди. Терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини бутун жаҳон афкор оммаси қўллаб-қувватлаб турди. Биз барчамиз бунга гувоҳмиз. Бироқ айни маҳалда айрим сиёсий кучларнинг, айрим хорижлик матбуотчиларнинг қитмирлик билан миш-миш тарқатишлари кишини албатта ажаблантиради. «Ўзбекистонда уруш давом этаётирми?», дея гарангсиб сўрайдиганлар баъзи мамлакатларда топилади. Термизга гўё урушни ўз кўзи билан кўраман деб келган хорижлик бир мухбирнинг айтишича, у тўйнинг устидан чиқиб қолибди, юзлаб одамлар қатори текинга ош ҳам еди.

Хўш, бундай ҳолатларни қандай изоҳлаш мумкин? Бор ҳақиқатни эса Президентимиз Олий Мажлисимизнинг ушбу сессиясида яна бир карра очиқ-ойдин айтиб ўтдилар. Албатта, Ер юзида ҳанузгача найрангбозлик, ичиқоралик, ғаюрлик мавжуд. Уларга мустақиллигимиз ёқмайди, тинчлигимиз ёқмайди, истиқболимиз — келажагимиз ёқмайди. Улар қолган барча одамларни зўр бериб чалғитмоқчи бўладилар. Биз эса Йўлбошчимиз атрофида жипс бўлиб, Ер юзида адолат, тинчлик тантана қилсин деймиз. Қўшни давлатлар билан боғланадиган кўприклар очилсин деймиз. Қўшни диёрларга омонлик-эсонлик сафарларини уюштириб, Навоий ва бошқа боболаримиз хоки покларини зиёрат қилсак деймиз. Бироқ бу йўлдаги кураш ҳали давом этар экан, демак, биз ҳамма вақт, ҳар лаҳзада огоҳ бўлишимиз шартдир. Юртбошимизнинг ёнида туриб буткул инсониятга қарата ушбу гапларни айтсак жоиздир, деб ўйлайман:

***Кимдир бошқаларга тилар омонлик,***
***Кимдир соғинади фақат ёмонлик.***

***Бир қарасанг ўхшаш рангу рўйлари,***
***Бироқ тамом бошқа фикру ўйлари.***

***Сиртдагисин кўриб турибсан ҳар он,***
***Ичдаги олангдан огоҳ бўл, инсон!***

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА БИРДАМ БЎЛАЙЛИК

## Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган халқаро терроризмга қарши жаҳон ҳамжамияти бошлаган кураш тобора кескин тус олмоқда.

XXI аср вабоси деб ном олган терроризм офати дунёдаги барча соф ниятли кишилар қатори халқимизни, мана шу заминда яшаётган инсонларни асло бефарқ қолдирмайди.

Биз, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари халқаро коалициянинг, ер юзидаги барча тараққийпарвар кучларнинг терроризм балосини таг-томири билан қўпориб ташлаш йўлидаги азму қарори ва қатъиятини тўла қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

Биз мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг шу йил 5 октябрдаги Баёнотида ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида баён этилган давлатимизнинг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги аниқ ва равшан позициясини халқимиз иродасининг яққол ифодаси, деб биламиз ва ҳар томонлама маъқуллаймиз.

Терроризм деган даҳшатли аждаҳо сайёрамизнинг турли минтақаларида бош кўтараётгани, бу офат умумбашарий цивилизация учун катта хатар экани тўғрисида Ўзбекистон кўпдан буён бонг уриб келгани яхши маълум.

Президент Ислом Каримов 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида, 1997 йили нашр этилган ва дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган “Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили бўлиб ўтган Истанбул саммитида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Минг йиллик саммити” ҳамда бошқа кўплаб нуфузли халқаро анжуманларда бутун жаҳон жамоатчилигини Афғонистон ҳудуди терроризм ўчоғига айланиб қолаётгани ҳақида қайта-қайта огоҳ этиб, бу машъум хатарга қарши биргаликда курашиш борасида ўзининг амалий таклифларини билдирган эди.

Мамлакатимиз Олий Мажлиси ҳам 2000 йил август ойида жаҳон парламентлари ва халқларига Мурожаатнома қабул қилиб, барча давлатларни халқаро терроризмга қарши курашда бирлашишга чақирган эди.

Афсуски, дунё ҳамжамияти халқаро терроризмнинг реал хавфи тўғрисидаги бундай даъватларга етарлича эътибор бермади.

Фақат шу йил 11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейингина дунёдаги етакчи давлатлар Америка Қўшма Штатлари бошчилигида бу ёвуз иллатга қарши кенг миқёсда курашга бел боғлади.

Халқаро терроризм, экстремизм ва уни таъминлаб турган наркобизнес балосидан жафо чеккан, унинг жирканч башарасини ўз кўзи билан кўрган, унга қарши тўқнашувларда бегуноҳ қурбонлар берган халқимизнинг бу курашдан четда туриши асло мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам халқимиз барча кўринишлардаги терроризмга қарши курашда дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намоён этиб, халқаро жамоатчилик амалга ошираётган ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон ва унинг Президенти XXI аср вабосига қарши кураш борасида олиб бораётган қатъиятли ва мустақил сиёсат давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширмоқда.

Биз шуни очиқ айтамизки, Ўзбекистон нафақат Афғонистон заминида, балки бутун дунёда терроризм ўчоқларининг бутунлай тугатилишидан манфаатдордир. Чунки бу манфаат замирида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, фарзандларимиз келажаги мужассам.

Жаҳолатни қурол қилиб олган, қилмиши бузғунчилик, талончилик ва сотқинлик бўлган кимсалар билиб қўйсинки, Ўзбекистон халқини ўзи танлаган тараққиёт йўлидан, эркин, демократик жамият қуриш йўлидан ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Азиз ҳамюртлар!

Бугун Афғонистон ва унинг теварагида рўй бераётган воқеалар терроризмга қарши кураш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмаслигини яққол кўрсатиб турибди. Бундай мураккаб бир вазиятда ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир фуқаро ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, ўз бурчини виждонан адо этиши, ўз фарзандларини бегона ва ёвуз таъсирлардан асраши, қисқа қилиб айтганда, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшамоғи зарур. Шундагина у юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги учун, буюк келажагимиз учун муносиб ҳисса қўшган бўлади. Шу маънода, “Ўз уйингни ўзинг асра”, деган шиоримиз бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Биз ён қўшнимиз афғон халқининг ҳам тинч-омон ҳаёт кечиришини, бу жафокаш ўлкада осойишталик қарор топишини истаймиз.

Афғонистоннинг келажаги — афғон халқининг ўз қўлида. Қандай давлат қуриши, қандай тараққиёт йўлини танлаш шу мамлакатда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг раҳнамолиги ва кўмаги муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Шу билан бирга, йигирма икки йил давом этган муттасил уруш натижасида вайрон бўлган иқтисодиётни тиклашда ҳам афғон халқига жаҳон ҳамжамиятининг ёрдами даркор.

Бугунги кунда Афғонистонга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамининг асосий қисми Ўзбекистон орқали етказиб берилмоқда. Биз бундан буён ҳам ана шундай гуманитар мақсадлар учун мамлакатимизнинг ер, сув ва ҳаво ҳудудлари доимо очиқлигини яна бир карра баён этамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз барча ватандошларимизга, бутун халқимизга мурожаат қилиб айтамизки:

Озод Ватанимизни, ота-боболаримизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни асраш ҳар биримизнинг ирода ва қатъиятимизга боғлиқдир.

Шу азиз Ватан барчамизники, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ўрнатиш йўлида фидокорона меҳнат қилиш, курашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугунги тарихий синов дамларида биз, Олий Мажлис депутатлари, халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этиб, халқаро терроризмга қарши курашда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов олиб бораётган изчил сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимизни яна бир марта изҳор этамиз ва халқимизни бу курашда бирдамликка, собитқадам бўлишга, огоҳликни қўлдан бермасликка чақирамиз.

Ушбу Мурожаатимиз юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча соф ниятли кишилар юрагида акс садо беради, деб ишонамиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ.**


**Бу сонда:**

ҚОМУСИЙ САОДАТ — 3

НАЗАРИЯГА БЕФАРҚ ҚАРАМАЯПМИЗМИ? — 4

ЗАРАУТСОЙ СУРАТЛАРИ СИРИ — 6

# ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Истиқлолимизнинг 10 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Ислом Каримов Фармонига мувофиқ мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётининг турли жабҳаларидаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз даҳлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир қанча юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди. Оқсарой қароргоҳида 5 декабр куни бир гуруҳ ҳамюртларимизга шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов топширди.

–Мен бугун шу муҳташам саройда сиз, азизларни Ватанимизнинг мўътабар мукофотлари билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, – деди Юртбошимиз маросимни очар экан, – сизларнинг тимсолингизда шундай мукофотларга сазовор бўлган, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган юзлаб юртдошларимизни ҳам бағримга босиб, уларга ҳам табрик ва мукофотларни бамисоли ўз қўлим билан топшираётгандек тасаввур қиламан. Чунки давлат раҳбари, Президент зиммасида жуда кўп мураккаб ва масъулиятли вазифалар борлигини яхши биласиз. Лекин сизларнинг бугунги шодлигингизга шерик бўлиб, юксак унвон ва нишонларни топширишни зиммамдаги кўп-кўп ишлар орасида ўзим учун энг шарафли вазифа деб биламан.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон босиб ўтган зафарли ўн йилидаги мустақил тараққиёт йўли буюк келажагимиз, порлоқ истиқболимиз, фаровон ҳаётимизга мустаҳкам пойдевор қўйганини алоҳида қайд этди.

–Ушбу унутилмас дақиқаларда, биз аввало, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган мамлакатимизнинг энг олий унвонига сазовор бўлган моҳир шифокор Раҳмон Муҳаммадиев, ўз меҳнати билан обрў топган газчи Қобил Мўминов, «Меҳрибонлик уйи»нинг жонкуяр мураббияси Вера Борисовна Пак, 40 йилдан буён жамоа хўжалигини бошқариб келаётган машҳур раис Тожибой Ризаев, саховатли инсон, фермер Алланиёз Утениёзовнинг номларини катта ҳурмат билан тилга оламиз, – деб таъкидлади Юртбошимиз.

Маълумки, кейинги йилларда собиқ шўролар даврида бетакрор истеъдоди ва ўлмас мероси билан миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, ўзининг онгли ҳаётини халқимиз маънавиятининг юксалишига бағишлаган, эл-юртимизнинг олқиш ҳамда ҳурматига сазовор бўлган, лекин ҳозирда ҳаётдан ўтган ватандошларимизнинг хизматлари муносиб қадрлаб келинмоқда. Ана шу анъана бу йил ҳам давом этди. Бир гуруҳ марҳум адабиёт ва санъат намоёндалари «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар.

Юртбошимиз шу ҳақда гапириб, жумладан шундай деди:

«Шахсан мен Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурҳонов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Маннон Уйғур, Мария Кузнецова, Аббос Бакиров, Уста Ширин Муродов, Наби Ғаниев, Муроджон Аҳмедов сингари мумтоз санъаткорларимизнинг мана шундай шарафга муяссар бўлганидан, бу ишда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Мукофотланганлар орасида илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида улкан зафарларни қўлга киритаётган навқирон авлод вакиллари ҳам бор. Улар ҳам Ўзбекистон номини дунёга танитиш, санъат ва илм-фанимизни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Президентимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган мана шу инсонларга қарата сизларнинг жаҳон майдонларида нафақат ўз номингизни, ўз жамоангиз шуҳратини, айни пайтда гўзал ва бетакрор юртимизни бутун дунёга тараннум этаётганингизни биз Ватан олдидаги, халқимиз олдидаги энг катта хизматингиз деб баҳолаймиз, деди. Давлатимиз раҳбари уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига катта раҳматлар айтди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Тожибой Ризаев, Алланиёз Утениёзов, Ўзбекистон халқ артисти марҳум Аббос Бакировнинг қизи Ойбарчин Бакирова, академик Эдвард Ртвеладзе, таниқли теннисчи Ирода Тўлаганова, шоира Умида Абдуазимова ва бошқалар Президентимизга билдирган эзгу-тилаклари ва беқиёс ишончи учун самимий миннатдорчилик билдирди. Ватанимизнинг бу мукофотлари янада самарали меҳнат қилишга, маънавиятимизнинг юксалиши ва иқтисодиётимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундашини қайд этдилар.

* * *

Ватаннинг юксак мукофотлари топширилгандан сўнг биз «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган марҳум санъаткорлар – Тамарахонимнинг невараси Алагўз Солиҳова, Муроджон Аҳмедовнинг ўғли Тоҳиржон Аҳмедов ва Шукур Бурҳоновнинг фарзанди Шодия Бурҳонова билан суҳбатда бўлдик. Улар марҳум ота-оналарининг эл-юрт олдидаги хизматлари юксак тақдирлангани учун муҳтарам Президентимизга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

* * *

3 декабр куни Миллий матбуот марказида матбуот ходимлари, радио ва тележурналистларга мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Мамлакатимиз тараққиётида, унинг дунёга танилишида, халқимизни мустақиллик руҳида тарбиялашда, оммага истиқлол ғояларини етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёс. Шунинг учун ҳам бу соҳа ходимларининг меҳнати ҳар йили ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан юксак тақдирланиб келинмоқда.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев юксак унвон ва мукофотларни топширар экан, ҳали журналистлар олдида бундан-да масъулиятлироқ вазифалар турганлигини таъкидлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни, бунёдкорлик ишларини нафақат республикамиз аҳлига, балки бутун дунёга кўрсатиш лозим. Зеро, журналистикамизнинг халқаро миқёсдаги обрўйи ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда.

Маросим сўнггида юксак унвон ва мукофот олган журналистлар сўзга чиқиб, ўзларининг камтарона меҳнатлари юксак қадрланганлиги учун ҳукуматимизга, Президентимизга миннатдорчилик билдирдилар. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлган таниқли публицист Сайди Умиров, жумладан, шундай деди: «Кейинги ўн йилда юртимизда журналист кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилаяпти. Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факултети очилгани бунинг ёрқин исботидир. Ҳозир факултетда 400га яқин бўлғуси журналистлар билим олмоқда. Ишончим комилки, яқин йилларда дунёда ўзбек журналистлари фаолият кўрсатмаётган мамлакатлар қолмайди».

***

4 декабр куни Ўзбекистон Миллий академик драма театри ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерда санъатимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган санъат аҳлини Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан мукофотлаш маросими бўлди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган марҳум санъаткор ва ёзувчилар М.Турғунбоева, М.Осим, Ч.Аҳмаров, М.Кузнецованинг оила аъзоларига, қариндошларига юртимизнинг юксак мукофотини топширди. Сўнг Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ҳамда медаллари билан тақдирланган таниқли актёрлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, усталар, мураббийларга ҳам мукофотлар тантанали равишда топширилди.

– Ўн ёшимда илк бор саҳнага чиққан эдим, – деди маросим сўнгида Республикада хизмат кўрсатган артист Ҳ.Исроилова. – Мана ўттиз йилдан буён юртим шаънини куйлаб келаяпман. Менинг исмим Ҳуррият. Шундай экан, Ватаним ҳурриятини яна кўп йиллар мадҳ этиш менинг шарафли бурчимдир.

Мукофотларни топшириш маросимида сўзга чиққан санъаткорлар диёримизда мустақиллик йилларида ижод аҳлига жуда катта эътибор берилаётганлигини қайд этдилар. Сўнгги йилларда биргина Тошкентда ўнлаб маданият иншоотлари қурилди. Миллий театр янги биносининг қайтадан қурилиб ишга туширилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида ягона бўлган Тошкент Давлат консерваториясининг муҳташам биноси фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Бу ғамхўрликлар учун ижод аҳли ўзларининг истиқлол руҳи акс этган юксак савиядаги теран ва баркамол асарлари билан жавоб беришлари шубҳасиз.

---

**Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор... Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.**

**Ислом КАРИМОВ**

---

# ИНСОННОМА НОМЛИ МУКАММАЛ АСАР

Инсон дунёга келар экан яшашни, яшаганда ҳам тўлақонли эркин яшашни табиий равишда маслак қилиб олади. У туғилиши билан бир талай узвий ҳуқуқларга эгадир. Фақат икки нарсани танлаш ҳуқуқига эга эмас:

Биринчиси – туғилган юрти – Ватан; иккинчиси – дунёга келтирган ота-она. Бу иккиси ҳамиша унга содиқлик, муносиблик, мансублик масъулиятларини юклаб келади.

Оламда баҳор нелигини билмаган, ойлаб осмонида офтоб юрмаган маконлар бор. Буғдой нонининг таъмини билмаган, бадани бежирим бир либос кўрмаган эллар бор. Не бахтки, бизнинг чекимизга жаннатнинг бир парчаси, Ҳақнинг Ўзи назар солган дилбар диёр азиз ҳилқат тушган. Беадад ифтихорки, жисмимизда довруғли, шонли, тагли-тугли, кайвони кад худоларнинг қонлари айланаётир.

Она Ватан бизга меҳр-мурувватларини беминнат ошириб қўйган. Унинг қарзини қайтариб бўлмас. Тутумини табаррук билмоқ, неъматларини кўзга суртмоқ мумкин, холос.

Ўзбекистон халқи тарихий мингйиллик сўнгида ҳар бир куни асрларга татигулик табаррук ўн йилни босиб ўтди. Шу қисқа фурсатда атрофдагиларга фуқароларининг бўйибасти ҳеч кимдан кам эмаслигини таъкидлаб қўя билди, ҳақиқий ҳуқуқий жамият барпо этиш – умуммақсадимиз эканлигини англата билди. Бу эътироф – турмуш тарзимиз, умргузаронлигимиз, қадриятларимизга эъзозу, авлодларга даъватимизни ўзида мужассам этган – Конституциямиздир.

Конституциямиз – бекасам байроқли, ҳумо туғроли, манзур мадҳияли мазкур мамлакат – Ўзбекистон эканлигини, унинг бағри даштларидек кенг, кўкси тоғларидек чўнг халқи энди ўзи-ўзига бек эканлигини мангуга муҳрлади.

Халқимизнинг асрий тарихи ҳам, инсоният тараққиётининг ривожланиши даври синовларидан соғ чиққан хулосаси ҳам – қонунларга итоат этиб яшаш ҳисобланади. Буюк Соҳибқирон бобомиз ярим дунёни кезиб, давлат тузиб, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган қатъий фикрга бежиз келмагандир.

Ҳар қандай ҳуқуқий онгли хорижлик ҳали давлатимиз бошқаруви тизими ёки халқимизнинг салоҳиятини, иқтидорини ўрганмасдан туриб ҳам Конституциямизнинг ақалли муқаддимасини ўқибоқ, бизнинг ким эканлигимизни, ўтмишу келажагимизни, нималарга қодирлигимизни, имкониятимизни тасаввур қила олади, қонунларимиз моҳиятини англай билади. Ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб яратилган Бош Қонунимизда инсон ҳуқуқларига олий мақом берилган, зеро, инсон табиатнинг гултожи, барча мавжудотнинг энг шарафлисидир. Давлат тилимизнинг адабий мақомига беш аср олдин фатво берган Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг «Нимаики яхши, фойдали нарса бўлса, инсон учун, унинг фаровонлиги учун бағишланмоғи, унинг хизматида бўлмоғи лозим», –деган лутфлари, хусусан:

*Барчасини гарчи*
*латиф айладинг,*
*Барчадин инсонни*
*шариф айладинг*

деган байтлари мазмуни ҳам бунда гўё ўз мужассамини топган.

Инсонпарварлик тамойилини маёқ қилган – адолатли ҳаёт кечиришимизнинг асоси бўлган – Конституцияни билмаслик уят, нафақат уят, балки, гуноҳ деб қаралиши лозим. Конституция ҳақидаги тушунчаларни фарзандларимиз онгига мактаб, боғча ёшидан бошлаб сингдириб бориш мазмунидаги ташаббуслар қўллаб-қувватланиши жуда ўринлидир. Негаки, Конституциянинг мақсад, моҳиятини, қонунларнинг аҳамиятини англаб етган авлод ҳеч қачон йўлдан адашмаслиги аниқ. «Биз фарзандларимизни ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни, ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак. Мен «етаклаш» деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки, ҳаётга энди-энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий – устозга муҳтож бўлади», деган эдилар Юртбошимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқларида. Дарвоқе, Конституция сабоғи ҳам зарурий амаллардан бири, чунончи, сабоқларнинг аввали саналмоғи жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси деб аталадиган мўъжаз, айни пайтда жамият муаммоларининг барча жаб-ҳасини қамраб олган мукаммал мазкур асар ўзини ҳуқуқий маданиятли деб биладиган ҳар бир кишининг ёндафтари ёнидан жой олишга нақадар муносиб. Инсоннома номли бу китоб мулкдорга қўриқчи, мулксизга йўриқчи мисолдир.

Қомусимизни қалб тўрида асрашимиз, оримиз – номусимиз даражасида сақлашимиз барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Холмамат ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судяси**

---

# ҚОМУСИЙ САОДАТ

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги шодиёналарини ўтказганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Олдимизда эса яна бир тантанали сана – мамлакатимизнинг бош қомуси – Конституция кунини нишонлаш арафасидамиз. Ана шундай фараҳбахш ўйлар силсиласида беихтиёр яқин «мозийга қайтиб иш кўргинг» келади...

Шўро тузуми даврини қайта ёдга олайлик. Тўғри, бир жиҳатдан қаралганда, Ўзбекистонга иттифоқ таркибидаги алоҳида Республика мақоми берилган бўлиб, ҳатто ўз Конституциясига ҳам эга эди. Аслида эса бутун мамлакатда ягона иттифоқ қонунлари асосидагина иш юритилар, ягона бошқарувга бўйсундирилган эди. Кенгроқ изоҳлаганда, Ўзбекистон ўзга давлатлар билан ўзаро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқалар ўрнатишда мазкур қомусга таяниш нари турсин, ҳатто, ўз ҳудуди халқини кундалик эҳтиёжи учун зарур бирор йирикроқ бино ёки иншоатини ҳам «марказ» розилигисиз амалга ошира олмасди. «Хусусий мулк» тушунчасини онгимизга ҳам сиғдира олмасдик, қолаверса, бунга амалдаги тузум, унинг қонунчилик тизими йўл бермасди. Мамлакатда асосан давлат мулки, қисман жамоа, яъни колхозлар мулки ҳамда шахсий мулк мавжуд эди. Бундай шароитда меҳнати орқасидан даромад орттириб мулкка эга бўлишга интилган фуқаролар жазоланар ва таъқибга учрарди. Эски тузум келтириб чиқарган салбий иллатлардан бири – фуқаролар суд-ҳуқуқ органларини «жазо органи» сифатида қабул қилганликлари боис, улардан иложи борича «узоқроқ бўлишга» интилишарди.

Албатта, тарих олдида ўн йил қисқа муддат. Бироқ Истиқлол насимлари эса бошлаган ана шу ўн йил ичида ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Ишонч билан айтиш мумкинки, мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган вақт Ўзбекистон учун том маънода буюк миллий уйғониш ва миллий тикланиш даври бўлди. Дастлабки кунларданоқ давлатнинг қонунчилик тизими қайта кўриб чиқилди, жаҳон андозаларига мос қонунчиликни ўз ичига олган Конституция яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Бугун барча қонунларимиз ўз мазмун-моҳиятига кўра, шўро тузуми даври қонунларидан тубдан фарқ қилади. Улар мамлакат фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Конституцияда хусусий мулк масаласи алоҳида қайд этилганлигини таъкидлашни истардим. Чунки бу мамлакатда кун сайин мулкдорлар синфининг кенгайиб, шаклланиб боришига замин яратмоқда. Тадбиркорлар қонун амалда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Бугун фуқаролар илгаригидек суд-прокуратура органларидан узоқ бўлишга интилмайди. Аксинча ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, мазкур органларга мурожаат қилмоқдалар. Боиси кейинги пайтда суд-ҳуқуқ тизими идоралари фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга, тадбиркорлар, фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратган. Бу масалалар бугун давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Амалга оширилаётган ишларнинг барчасида қонун устиворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Вақт ўтган сари фуқароларда қонунга ҳурмат ҳисси ошиб, ҳуқуқий билим, тафаккур ортмоқда. Ўз Конституциясига, келажагига ишонган халқ, миллат эса буюк ишларга қодир. Уларни ҳар тонг саодатли кун қаршилайверади.

**Музаффар РАУПОВ,**
**Қашқадарё вилояти Фуқаролик ишлари бўйича судининг судяси**

---

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ шоири**

## БАХТИМИЗ КИТОБИ

**Йўлларим ёруғдир, кўнглимдир равшан,**
**Кўзларим бир умр кўк офтобида.**
**Ватаним табаррук, диёрим гулшан,**
**Тақдирим битиклик бахт китобида.**

**Кўзимга суртаман, айлайман тавоф,**
**Тортиқ этди менга Буюк Истиқлол.**
**Ҳар қандай саволга бор бунда жавоб,**
**Кўзгуда акс этар ёрқин истиқбол.**

**Аждодлар руҳини айлаб шодумон**
**Чиққан она халқим улуғ сафарга.**
**Қўллайди Оллоҳим, дилида иймон,**
**Элтар манзилига – кутлуғ зафарга.**

**Юртим камолию кўркам жамолин,**
**Кўриб, кўкда Қуёш, маҳлиё Ой ҳам.**
**Юлдузлар шодаси топган висолин,**
**Кўрмоққа ошиқар ёруғ бу олам!**

**«Қомусим – номусим, толеномам», деб,**
**Хаққим бор жар солсам бутун жаҳонга.**
**Халқим меҳнатидан топди кўрку зеб,**
**Бахти бир – давлатдир эркли инсонга,**

**Диёр тинчлигини, эл фароғатин,**
**Ўйлаб ёниб яшаш – қалб муддаоси.**
**Яратар тақдирин, ўз саодатин,**
**Қадоқ қўли билан олиб дуосин.**

**Тебратар диёнат беланчагини,**
**Ўпар бўсағасин адолат мангу.**
**Тўшар дилдан борлиқ гул - чечагини,**
**Қуёш боши узра сочади ёғду.**

**Конституциям – Ўзбекномамдир,**
**Кўзим қароғидай яшайман асраб.**
**Ватаним – онамдир, ҳур остонамдир,**
**Минг шукур, юрмайман бошпана сўраб.**

---

# ОЛИЙ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ҚОНУН

Мустақилликнинг ўн йили давомида Ўзбекистон бошқа мамлакатлар асрлар мобайнида эришиши мумкин бўлган тарихий ютуқларни қўлга киритди. Ўз тилига, байроғига, тўғросига, пулига эга бўлган республикамизни эндиликда бутун жаҳон халқлари таниб, алоҳида эътибор билан тан олаётганлиги қалбларимизда беихтиёр ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонун – Конституциямиз амалда ишлаётганлигининг ифодасидир.

1992 йил 8 декабр куни ўзбек миллий давлатчилиги, ўзбек халқи ҳаётида унутилмас воқеа рўй берган эди. Тарихда илк бор элимиз ўз хоҳиш-иродаси билан яратган, халқимиз ўтмиши, келажаги, маънавияти ҳамда руҳияти акс этган асосий қонунимиз қабул қилинди. Бу ҳақда Юртбошимиз шундай деган эдилар:

«Ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлади».

Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг қабул қилиниши – ўзбек давлатчилиги тараққиёти тарихидаги буюк воқеадир. Чунки у дунё харитасида янги мустақил давлат пайдо бўлганлигини олий юридик кучга эга бўлган қонун даражасида мустаҳкамлади.

Асосий Қонуннинг халқчиллиги, унинг ҳақиқий демократия андозаларига мослиги ва адолатли ҳуқуқий давлат қуриш дастури эканлиги шунда кўринадики, унда энг аввало инсон улуғланган, инсон ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилган, шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзининг мукаммал ифодасини топган. Чунки, бу ерда «халқ Конституция учун эмас, балки Конституция халқ учун яратилади» – деган тамойилга тўлиқ амал қилинган.

Конституциянинг муқаддимасидаёқ ўзбек халқи номидан: Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик эълон қилинади; халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади; инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кўзланади; фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсад қилиб қўйилади. Ушбу асосий тамойиллар Конституциянинг ички мазмуни, моҳияти ва руҳини ифодалаб, ундаги 128 модданинг йўналишини белгилаб берган.

Конституцияга «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», деган қоида киритилди (67-модда). Бундай қоида илгари бирорта ҳам Конституция ёки қонунда ўз ифодасини топмаган.

Конституцияда биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши қайд этилади. Ана шу учта ҳокимият идораларининг уйғун фаолияти ва ўзаро муносабатлари мустаҳкамланади.

Юқоридаги учта давлат ҳокимияти идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мамлакат Президентига юклатилган бўлиб, Конституцияга биноан Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ва айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади.

Конституция мамлакат Президенти зиммасига бутун давлат тақдири учун масъулият юклайди. Мамлакатимизда Конституцияга асосан жорий этилган Президентлик бошқаруви кўринишидаги кучли ижроия ҳокимияти бугунги ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган ўтиш даврида том маънода ўзини оқламоқда.

Хуллас, айтиш мумкинки, Конституциямиз давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган Қонун бўлиб қолади.

Қолаверса, Республикамиз Президенти Ислом Каримов қайд қилганидек «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир».

**Исматулла МАМАНОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

---

# ОҚҚУШЛАР ПАРВОЗИ

Одатда саҳнада хиром этаётган раққоса қизларни оққушларга ўхшатишади. Негаки, оққушлар гўзаллик тимсоли сифатида таърифланади, уларнинг нозик ҳаракатларини кўриб кўз қувонади. Гўзаллик оламининг бу соҳир тури дилларни нафосатга ошно қилиб, елкамиздан ташвишлар юкини аритиб, қалбимизга ойдинлик, ҳузур бахш этади.

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби талабаларининг саҳнада парвоз этишларини кузатиб ҳайратланмасдан илож йўқ. Ўтган давр мобайнида бу нафис санъат маскани халқимизга бири-биридан гўзал раққосаларни етказиб берди. Машҳур санъаткорлар Галия Измайлова, Дилором Шерова, Белла Зинатулина шу даргоҳнинг илк қалдирғочларидан эдилар. Розия Каримова, Қундуз Миркаримова, Маъмура Эргашева, Дилафрўз Жабборова каби эл суйган раққосалар ҳалигача ўзлари таҳсил олган масканга келишни канда қилишмайди.

—Мактабимизнинг илк ташкилотчиси Тамарахоним эдилар, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раиса Хўжасаидова. — У ҳозирги Консерватория биносида балет мактабини очган. Кейинчалик маш-ғулотлар ўқувчилар саройида давом эттирилган. 1947 йили эса ўша мактаб негизида хореография билим юрти очилган.



1997 йили Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонлари билан ўзбек хореография билим юрти ҳамда Тошкент давлат Маданият институти «Хореография» бўлими негизида Олий махсус ўқув юртлари мақомидаги Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби ташкил этилди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, хореография санъатининг асоси мумтоз рақс бўлиб, ўзбек миллий рақси эришган барча ютуқларда ана шу санъатнинг хизмати беқиёс. Шуни ҳисобга олиб, Олий мактабимизда, асосан, мумтоз рақс ва миллий рақс бўйича етук мутахассисларни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратганмиз.

—Санъат даргоҳимиз Марказий Осиёда ягона рақс мактаби ҳисобланади, — дейди ректор вазифасини бажарувчи Маҳмуд Очилов. — Олий мактаб қошида интернат билан биргаликда бошланғич ўрта махсус таълими бўғинлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шу йили хореография санъати бакалаврлик йўналиши бўйича биринчи қалдирғочларни ҳаётга йўлладик. Бизнинг битирувчиларимиз «Ўзбекрақс» бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, шунингдек, жаҳоннинг АҚШ, Мексика, Бразилия, Германия, Швейцария, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония сингари йигирмадан ортиқ мамлакатларида ишлашмоқда. Туркия, Жанубий Корея ва Япония мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларимиз бор. Бу каби муваффақиятларимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қўрқмас Соатовнинг хизматлари беқиёс.

Истеъдодли ва иқтидорли талабаларимиз Республика миқёсидаги тантаналарда иштирок этиб, ўз санъатлари билан маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон халқ артисти Замир Нуримбетов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Сўғдиёна Исроилова, Тамила Муҳамедова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Феруза Рўзиеванинг муваффақиятларида уларга таълим берган ўқитувчиларимизнинг ҳам ҳиссаси бор, деб ўйлайман. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Ирода Исмоилова ЮНЕСКО дастури грантига сазовор бўлди, Наталья Сон эса 1999 йили Италиядаги машҳур балет мактабида ўз малакасини ошириб келди.

Шу кунларда ўзининг эллигинчи битирувчиларини учирма қилаётган бу санъат даргоҳи ўз тўйини нишонламоқда. Шу муносабат билан Олий мактаб талабалари «Рақсга таклиф» деб номланган Бал томошасини намойиш этишмоқчи. Бал томошасида XVIII-XIX аср рақслари, шунингдек, Европа ва Лотин Америка рақс мактаби ҳамда классик хореография намуналари ижро этилади.

**Адиба ҲАМРО қизи**

---

# ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

## *ёхуд Дўрмон боғларида Қува гуллари*

Дилкаш инсонлардаги куйинчаклик, ташаббускорлик, табиатга шайдолик ҳисси амалга ошираётган ишларида – аъмолида яққол намоён бўлади. Бу тоифадаги инсонлар оққўнгил ва гўзалликка ошно бўладилар. «Дунёни гўзаллик асрайди« деган гапнинг машҳур бўлишига сабаб ҳам шундай инсонларнинг орамизда учраб туриши деб биламан.

Гул – шоирлар илҳомининг эркаси. Бир сўз билан айтганда, гул гўзаллик тимсоли сифатида қалбимиз тўридан жой олган. Гулларнинг нафис очилиб туришию барра барглари дилдаги инжа туйғуларни қитиқлайди, оҳиста солланиб «ҳаёт гўзал, кўнгил ҳам гўзал, сен бу гўзалликларни асраб-авайла ва улардан завқлан, ҳузурлан» деб шивирлагандай бўлади.

Серқуёш юртимизда гуллар учун макон кўп. Гўзаллик шайдолари бўлган инсонлар эса ундан ҳам кўп. Уларнинг беминнат саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари, интилишлари боис анвойи гулзорлар, ажойиб чаманлар бўй кўрсатиб, атроф-муҳитдаги одамларнинг кўзларини қувнатади, дилларини яшнатади. Ана шундай дилтортар гулзорлар шоиру ёзувчилар, жамики ижод аҳлининг севимли ва илҳомбахш оромгоҳи – Дўрмонда ҳам кўпаймоқда.

Яқинда Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповга Қува тумани ҳокими Маҳамматжон Носировдан мактуб келди. Унда шундай сатрлар бор: «Ҳурматли Абдуллажон ака! Ҳозирги қутлуғ ва муборак моҳи Рамазон кунларида қуваликларнинг ажойиб бир ҳадясини қабул қилиб олсангиз. Улуғ алломаларга, ёзувчи ва шоирларимизга илҳом бахш этган гўзал Дўрмондаги ёзувчилар боғига экиш учун қувалик тадбиркор гулчи Муҳаммаджон Бозоров томонидан анвойи гуллардан 2000 туп гул кўчатини юбормоқдамиз. Буни қадим Қува халқининг адибларимизга, Сиздай улуғ фарзандига *(Абдулла ака Қува туманининг фахрий фуқароси этиб қабул қилинганлар – С.О.)* бўлган чексиз ҳурмати рамзи, деб билгайсиз. Дўрмонда яратиладиган янги гулзор хиёбон барча ижод аҳлига битмас-туганмас илҳом бахш этади, деб умид қиламиз.»

Мана ижодга, яратувчилик кайфиятига бўлган инсоний Меҳрнинг бир кўриниши. Чин инсон ўзига раво кўрган эзгу нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўради. Бу ҳақда Ҳадису Шарифда ҳам сабоқ берилган. Қутлуғ ва муборак моҳи Рамазон кунларида Қува тумани ҳокими Маҳамматжон ака барча ижод аҳли учун самимий эзгу ниятлар билан Дўрмон боғига икки минг туп анвойи гул кўчатини ҳадя этиши кўнгил яқинлигидан нишона. Албатта, бу гуллар ажойиб чаман бўлиб, ижодкорларнинг севимли оромгоҳига янада кўрк, файзу тароват бағишлайди. Бу гуллар устоз адибимиз, яқиндагина саксон беш ёшида оламдан ўтган Иброҳим Раҳим униб-ўсган Қувадан юборилганлиги билан ҳам қадрлидир. Илло, оллоҳнинг улуғ кунларида қилинган яхши ният ижобат бўлғусидир.

**С.ОЛЛОЁР**

*Мозий садоси*

# ЗАРАУТСОЙ СУРАТЛАРИ СИРИ

Тасвирий санъатимиз сарчашмаси – Зараутсой қоя тошларига ишланган суратлар миллатимиз маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ҳисобланади. Ушбу тасвирларни «ёзув маданиятининг шаклланишида қадим замонларда ташланган илк қадамлар сифатида ҳам» тилга оламиз. Мўъжизакор обида билан шуғулланган барча мутахассислар қоятошларга суратлар ишланган даврни аниқлаш масаласига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қараганлар. Уларнинг ёшини аниқлаш, академик А.П.Окладниковнинг таъкидлашича, тош ва жез қуролларининг ёшини аниқлашдан ҳам мушкулроқдир. Тарих ва археология фани қоятош суратлари яратилган даврни аниқлай олмаса, улардан фойдалана билмайди ёки бошқача қилиб айтганда, санаси аниқланган тақдирдагина ҳар қандай осори атиқа қимматли археологик ёдгорлик бўла олади.

Ўзбекистонимиз кишилик тарихининг энг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлганлиги, жаҳонда шу пайтгача мавжуд бўлган 22 қадимий цивилизация ўчоқларидан иккитаси Марказий Осиё ҳудудига тўғри келиши эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Қаранг, Нил, Фрот, Амударё бўйларида маданиятнинг пайдо бўлишидан то ҳозирга қадар беш минг йилга яқин вақт ўтган экан. Яна ўшангача бўлган етти минг йил илгари эса бошқа бир муҳим босқич – мезолит яъни ўрта тош даври бўлган.

Зараутсой қояларидаги ёввойи буқаларни овлаш саҳналари тасвирланган композицион расмларни кўпчилик мутахассислар ана шу мезолит даврига мансуб дейишмоқда.

Милодгача бўлган 12-6 мингйилликларга тўғри келадиган мезолитни палеолитдан неолитга ўтиш даври ҳам дейдилар. Энг сўнгги маълумотларга кўра, олимлар бу санани милодгача бўлган 8-6 минг йилликларга тўғри келади деган тўхтамга келганлар. Бу ер шарида музликлар эригандан кейин ўрнатилган геологик давр бўлиб, иқлим иссиқлашган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси секин-аста ҳозирги қиёфасига кирган, совуққа чидамли шохдор йирик ҳайвонлар шимолга томон силжиб, улар ўрнини янги табиий шароитга мослашган ҳайвонот дунёси эгаллаган, минтақамизда кенг баргли ўрмонлар билан даштлар вужудга келган эди. Марказий Осиёнинг бой табиати мезолит даври одамларининг яшаши учун қулай бўлган. Мезолит даври суратларининг ўзига хослиги улар асосан очиқ камар ва қояларда яратилганлиги билан изоҳланади. Ҳайвонлар ва одамларнинг кўпроқ қора ва қора-қизил рангли бўёқларда чизилган ва унча катта бўлмаган ҳажмдаги тасвирлари учрайди. Бунгача эса яъни юқори палеолит даврида ҳали музликлар эримаган ва ҳаво совуқ бўлганлиги сабабли фақат чуқур ғорлардагина кун кечира олган ибтидоий одамлар ўз яшаш жойларида ижод қилганлар. Франция ва Испанияда шундай ажойиб ғор санъатлари топилган.

Санъат тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар мезолитгача ва мезолит пайтидаги санъат ривожининг йўналишини ер шарининг турли минтақалари учун бир хил кучга эга бўлган умумий ҳол сифатида талқин қиладилар.

Палеолит ва неолит оралиғидаги мезолит даврида пайдо бўлган Зараутсой ёдгорлиги мавзуси ва мазмуни жиҳатидан Испаниянинг Леванти, Озарбойжоннинг Кобистон ёдгорликларидаги тасвирларга жуда ўхшаш. Санъатшунослар ушбу давр санъатини Африка қитъаси жанубида ҳозирги пайтда яшаётган бушменларнинг санъати билан қиёслайдилар. Бушменлар – Калахари саҳросида фавқулодда қийин шароитларда яшаётган ибтидоий овчилик жамоалари бўлиб, улар ажойиб қоявий тасвирлар яратганлар. Одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвирланган саҳналар жуда қизиқарли, жонли, хилма хил бўлиб, ҳайвонлар сурати аслини бера олиши билан ажралиб туради.

Ибтидоий санъат ёдгорликлари ўша давр одамларининг нима билан шуғулланганини кўрсатади.



Қоядаги расмлар ва ўйма нақшлар, тош, лой, ёғочдан ясалган ҳайкаллар, буюмлардаги суратлар фақат овланадиган ҳайвонларга бағишланганлигини кўрамиз. Бу – шимолда буғу бўлса, жанубда – буқа эди. Ибтидоий одамлар ҳаётида овдан ташқари турли мевалар, ўтларни териш ҳам катта рол ўйнарди. Эркаклар овга кетсалар, аёллар, болалар, кексалар қўзиқорин, мева, бошоқли ўтлар, парранда тухумлари йиғиш билан шуғулланишарди. Одамлар фаолиятининг бу томони санъатда ёритилмаган. Гап шундаки, йирик ва кучли ҳайвонни ўлдириш осон эмас, одамнинг кучли ҳайвонни енгиш истаги илк илоҳий яъни магик урф-одатлар билан бирга қоялардаги суратларни ҳам яратди. Хуллас, ибтидоий рассомнинг бош объекти ҳайвонлардир.

Агар Зараутга келиб, расмларга назар солсангиз, йирик ва кучли ёввойи буқалар ёнида ўқ-ёйчиларнинг ингичка ва содда фигураларини кўрасиз. Уларнинг шунчалик ожиз, иложсиз ҳолатда тасвир этилганига ҳайрон қолмай иложингиз йўқ.

Ушбу тасвирлар ибтидоий тафаккурнинг моҳиятини англаб олишимизга кўмаклашади. Рассом-овчининг бутун руҳий-маънавий кучлари табиат қонунларини билиб олишга қаратилган: ахир овчи мансуб бўлган жамоанинг ҳаёти ҳам, фаровонлиги ҳам шунга боғлиқ эди-да! Овчилар кечаю кундуз, қиш ва баҳор, ёз ва куз ўзи изидан юрадиган ҳайвоннинг хулқ-атворини, барча қилиқларини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам зараутлик тош асри рассоми ўқ-ёй ва найза ёмғиридан қўрқиб бир муддат қотиб қолган ҳайвон ҳолатини ишонарли тарзда бера олган.

Одамлар Зараутсой қоятошларида тасвирланганидек ҳайвонларни жамоа бўлиб ўраб, овлашга ўтишлари учун кўп минг йиллар зарур бўлгандир. Бу нарса ўз-ўзидан ҳамкорликка олиб келади. Ҳамкорлик қила билиш қобилияти ҳам узоқ йиллар давомида шаклланган, албатта. Ўша замон ижтимоий ҳаётида худди шу ҳамкорлик масаласида ибтидоий санъат ижобий аҳамият касб этганлигини тушуниш қийин эмас. Ҳайвон билан курашиш жараёнида инсон ҳамкорликда ҳаракатланиш тажрибасини тўплайди. Унинг ўзаро муомала қобилияти ўсади. Ҳайвонлар хавфи ва уларнинг кучли қаршилиги шароитида одамнинг барча қобилиятлари энг юқори фаоллик ҳолатига келади.

Ов, шундай қилиб, ўзига хос жамоа мактаби бўлган ва, шубҳасиз, ибтидоий одамларнинг бутун турмушига таъсир этган.

Инсон секин-аста узоқ аждодларидан узоқлашиб янги сифат ва хусусиятларга эга бўла боради, унинг бу ижтимоий эволюциясида санъатнинг роли каттадир.

Ўша пайт одами ўз ички дунёсига ҳали атрофини ўраб турган ташқи дунёчалик эътибор бермасди. Унинг орзу-ўй, кечинмаларининг мақсади тирикчилик манбаи бўлган ҳайвонлар эди. Шунинг учун ҳам Зараутсойнинг ёввойи ҳайвонлар реалистик тасвирланган саҳналарида қатнашаётган овчи фигуралари схематик ва қуруқ берилган. Баъзан ўқ-ёйчи бир чизиқ билан тасвирланади. Лекин ов саҳналари драматизмга тўла: ўлжа изидан чопаётган ва ҳайвонни ўраб олаётган овчилар ўқ-ёй, найза ва тошлар отмоқдалар, ўлжани жарликка томон сурмоқдалар. Бунинг устига иккита овчилар гуруҳининг – ўлжа учун бўлса керак – рақобатидан келиб чиққан ўзаро жангига ҳам гувоҳ бўламиз.

Ўлжасига яқинлашиб бораётган, ўйин тушаётган ва бир-бири билан жанг қилаётган ўнлаб одамлар тасвирланган сюжетларнинг пайдо бўлишини мутахассислар бутун овчилик тизимини ўзгартириб юборган ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши билан боғлаш мумкинлигига эътиборни қаратадилар. Нишонга аниқ ура олиши ва омадлилиги билан шуҳрат топган камончилар ёввойи буқаларни қувлаб ва ўраб овловчилар тўдаси ичидан ажралиб турадиган бўлади, улар баъзан якка ҳолда ҳам овга отланганлар.

Яна бир неча минг йиллар ўтиб неолит ва бронза даври келганида Зараутсойда чизиб борилган санъат асарлари қиёфаси ўзгаради: ҳайвонларнинг реалистик фигуралари йўқ бўлади. Айрим санъатшунослар бу ҳолатни санъатдаги орқага қайтиш дея баҳолайдилар. Ҳолбуки, бу ҳам санъатнинг тадрижий ривожланишида қонуний бир ҳол бўлиб, деҳқончилик пайдо бўлиши билан ов ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотган ва ҳайвонга бўлган қизиқиш сўнган. Энди инсоннинг ўзига, ўз ички дунёсига қизиқиши туғилмоқда эди.

Хўш, қоявий суратларнинг моҳияти нимада? Ибтидоий аждодлар ушбу тасвирларни қандай мақсадларни кўзлаб яратганлар? Кишилар назаридан холи, овлоқ ғорларда суратлар ишланишида қандай сир яширинган?

Ибтидоий давр санъати билан шуғулланган мутахассислардан И.Т.Пославский қоятош суратларининг ғоявий мазмунига эҳтиёткорлик билан ёндошиб, расмлар негизида бизга равшан бўлмаган жумбоқли мақсад яширинган, деб ҳисоблайди.

Бошқа олимлар эса қоятошлардаги суратлар ва ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳрли маънони билдиради, улар негизида ибтидоий ва қадимги давр кишиларининг кундалик турмуши, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ётади, дейдилар.

Демак, Зараутсой ёдгорлиги ва шунингдек, мамлакатимиздаги бошқа қоятош суратларининг аксарияти кишилар назаридан узоқроқ бўлган овлоқ маконларда марказлашган бўлиб, бундай жойлар ибтидоий ва қадимги қабилаларнинг энг муқаддас даргоҳлари, қадамжолари ҳисобланган. У давр кишилари маълум вақтларда ушбу муқаддас даргоҳдаги расмли қоялар ёнида ибодат қилиб, диний удумларни бажо келтирган бўлишлари мумкин. Ана шу удуму ирим-сиримлардан бири қояларга расм чизиш одати эмасмикан? Зараутсойдаги суратлар маълум муддатларда янгиланиб ва яна давом эттириб турилганлиги ҳам шу одатлардан келиб чиқмадими?

Қоятош суратларининг ғоявий мазмунини тушуниш, тушунтириш ва тўғри талқин қилиш ишига халқ ҳаётидан олинган этнографик маълумотларни ҳам жалб этган археолог олим Ж.Кабировнинг фикрича, ибтидоий аждодлар қояларга ва ҳар хил буюмларга расмларни кишиларга бахт келтиради, чорва моллари ва ёввойи ҳайвонларнинг сонини кўпайтиради, дея умид билан чизганлар. Ҳозир ҳам аҳоли уйлари, мозорлар, мақбараларда кийик шохларини учратиш мумкин. Кийим, шолча, намат ва бошқа буюмларни ҳайвон шоҳи тасвири билан безаш ҳоллари бор. Айиқ, бўри, қоплон каби йиртқич ҳайвонлар суяги, териси, тиши ва бошқа аъзоларининг қандайдир мўъжизакор кучига ишониб, ўзи билан тумор қилиб олиб юрганлар бор.

Шуларнинг ҳаммаси мазкур ҳайвонларга бўлган қадимий эътиқоднинг бизгача сақланиб қолган кичик бир кўринишлари деб ўйлайди, олим.

Хулласи калом, Зараутсой суратлари, А.Формозов тўғри таъкидлаганидек, макон ва бошпаналарни безаш учун ишланган эмаслигига яна бир иқрор бўламиз. Қадим аждодлар ушбу суратларни ёввойи ҳайвонларни осонликча ўлдириш ва овнинг муваффақиятли чиқишини кўзда тутиб чизганлар. Зараутсой суратлари билан шуғулланган йирик мутахассислардан А.П.Окладников ва А.А.Формозов ҳам расмлар негизида ўша давр кишилари ижтимоий ҳаётидан олинган ҳаққоний воқеалар ва ибтидоий қабилаларнинг сеҳр-жодуси билан боғлиқ бўлган диний тушунча ётади, деб баён қилдилар. Зараутсой тасвирларига замондош бўлган Помир тоғининг Куртакасой дарёси Шахта ғори деворларидаги охра билан ишланган бўёқли расмларни текширган В.А.Ранов ҳам ўзи топган манзараларни овчилик сеҳри билан боғлиқ воқеликдир дея ҳисоблаган.

Шу билан бирга, ибтидоий тасвирий санъатнинг нодир намуналари бўлмиш қоявий суратлар моҳиятига бир томонлама қаровчи ва, ҳатто, уларни моддий-маънавий ёдгорлик сифатида инкор этувчи қарашлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Г.Г.Генкел деган олим қоя суратларини одамлар бўш вақтларида кўнгил очиш учун шунчаки эрмак ва қизиқчилик билан ишлаганлар, улар аслида тасодифий нарсалар деб ҳисоблайди. В.Ф.Зибковец эса тош асри санъатининг намуналарини диний тушунчалар ва сеҳргарликка ҳеч қандай алоқаси йўқ, дейди. Бағрида нодир тасвирларни сақлаётган ғорлар, камарлар, диний ва сеҳрли ирим-сиримлар ижро этиладиган муқаддас даргоҳлар эмас, балки ёшларга таълим ва тарбия берадиган марказлардир, расмлар эса ибтидоий давр ёшларига таълим-тарбия бериш, улар билан амалий машғулотлар олиб бориш мақсадида ишлангандир. Бу мулоҳазаларни ҳам мантиқий, ҳам амалий жиҳатдан асосли деёлмаймиз, албатта.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев Арастунинг «Поэтика» асарига мурожаат этиб, унинг мазмунини шарҳлашга қўл урар экан, буюк файласуф олға сурган ақида бўйича уч бирлик уйғунлиги негизида санъат пайдо бўлганлигини кўради. Булар нималар? – «Биринчи сабаб — табиатга тақлид (ибтидоий одам ва тош деворларга ишлаган турли-туман ҳайвон, дарахт ва қуроллар расмини эсланг); Иккинчи сабаб – қаноат-ҳузур (ўша ибтидоий рассом ўз ишидан завқ-қаноат топмаса, чизиб ўтирармиди?); Учинчи сабаб – тарбиядир.

Деворга чизилган ҳайвон, ўсимликлару манзараларни кўрган қабиладошлар уларни янада яхши кўриб қолмайдими? – дея фикрини ривожлантиради ёзувчи. Демак ибтидоий рассом қавмларини тарбия қилаётир! Санъатнинг таърифи ҳам, моҳияти ҳам шудирки, бу «иш» кўнгил эҳтиёжи бўлиб, тўғридан тўғри кўнгилларда акс-садо беради.

**Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ**

*Дунё — кенг...*

## СИРЛИ ЁЗУВ АФСОНАСИ

Фан ва техниканинг илк ривожланиш даврида одамлар жамият ва табиатда содир бўладиган ҳар хил ҳодисаларни илмий асослаб бера олмаганликлари сабабли уларга илоҳий ва афсонавий тус берганлар. Иероглифларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир. Афсоналардан бири — "Фу Си заози" ("Фу Си иероглиф кашф этади") қадимдан хитойлар учун авлиё-анбиёлардан ҳисобланган Фу Си номи билан боғланган.

Фу Си одамларнинг оғирини енгил қилиб юрган пайтлар эди. У даврларда ҳали ёзув бўлмаган, ҳисоб-китоб ишлари ип ва арқонлардан фойдаланиб олиб борилган. Агар битта қўй туғилса — арқонни битта кичкина, сигир туғилса — битта катта тугун қилиб боғлаб қўйганлар. Ўша пайтлар сичқон шунча кўпайиб кетган эканки, улар арқон ва ипларни еб қўйиб, ҳисоб-китоб ишларида одамларни янглиштирганлар. Бу ҳолни кўрган Фу Си ҳисоб-китобнинг бошқа йўлини топиш чорасини қидиришга киришади. Кунларнинг бирида у осмонга боқиб ётганида, кўзи қуёшу ойга тушади. Қуёш ва ойнинг доира шаклида эканлигини пайқаб қолган Фу Си тугунлар ўрнига доирали рақамлардан фойдаланишга аҳд қилади. У бир рақамини бир доира, икки рақамини икки доира, уч рақамини уч доира ёрдамида ифодалайди ва шу йўл билан тугунли рақамларни доира шаклли рақамларга айлантиради. Кейинчалик доира шаклларини осонроқ бўлган нуқта белгиларига алмаштиради. Рақамлар қанча бўлса, шунча нуқта қўйилган. Бу усул ҳам анча ноқулай бўлгани учун бора-бора нуқталар чизиқчаларга айлантирилади. Чизиқчаларнинг ўзаро ҳар хил, чалкашиб келиши натижасида эса турли рақамлар келиб чиқади. Фу Си ўз изланишларини давом эттириб, нарсаларнинг асл қиёфасига асосланган ҳолда уларга ўхшаш иероглифлар яратади. Масалан, "қуёш" иероглифи учун айлана чизилиб, ўртасидан бир чизиқ ўтказилган, "тоғ" иероглифи учун тожсимон шакл, "дала" иероглифи учун тўртбурчак шакл чизилиб, ўртасидан иккита чизиқ ўтказилган ва ҳоказо. Иши муваффақиятли кетаётганидан руҳланган Фу Си беҳисоб иероглифлар яратиб юборади.

Иероглифларнинг яратилиши ҳақида яна уч афсона бўлиб, улардан биринчиси "Санг Жие заози" ("Санг Жие иероглиф яратади"), иккинчиси — "Санг Жие заози ди гуши" ("Санг Жиенинг иероглиф кашф қилиши ҳақида ҳикоялар"), учинчиси эса "Санг Жие заози де йовлай?" ("Санг Жие қай тарқа иероглиф яратди?") деб номланади. Бу афсоналар мазмунан "Фу Си иероглиф кашф этади" номли афсонага ўхшаш бўлиб, фақат бош қаҳрамонлари билан фарқланади. Бу афсоналар мазмуни фандаги хитой ёзувининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги қарашларга яқин келади. Яъни: Биринчи афсонанинг бош қаҳрамони Фу Си хитой тарихчиларининг тахминларича, эрамиздан авввалги XXVII—XXVI асрларни ўз ичига олган "Сан Хуанг Уди" ( "Уч подшо ва беш император") давридаги подшолардан бири бўлиб, ўша даврнинг авлиё-анбиёларидан ҳисобланган. Фанда исботланган иероглифлар яратилган давр ва афсоналардаги давр тахминан тўғри келмоқда.

Фаннинг исботлашича, дастлабки иероглифлар расм кўринишида бўлган, кейин эса минглаб йиллар давомида улар ўз шакл-шамойилини ўзгартириб, ҳозирги шаклга эга бўлган. Бу ҳол ҳам Фу Си ва Санг Жие яратган расм шаклидаги иероглифларга мос келмоқда.

Афсоналардаги Санг Жие умрбўйи иероглифлар яратиш билан шуғулланиб, шунчалик кўп иероглиф яратадики, натижада халқ у яратган иероглифларни тўлиқ ўзлаштириб олишга ҳам улгуролмайди. Бундан ранжиган Санг Жие иероглифларнинг бир қисмини қўшни давлатларга бериб юборибди, дейилади. Ҳақиқатан ҳам Хитойнинг қўшнилари бўлмиш Япония, Қурия, Вьетнам каби мамлакатлар халқлари яқин йилларгача ҳам Хитой ёзувидан тўлиқ фойдаланганликлари бунинг далилидир.

Хуллас, бу афсоналар фақат диний ва хаёлий воқеалар тасвиридангина иборат эмас. Хитойнинг таниқли ёзувчиси Юан Кэ таъбири билан айтганда, афсоналар негизида реал ҳаёт бор. Улар илмий асосга эга.

**Исмат БЕКМУРОДОВ,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институтининг катта ўқитувчиси**

# МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР!

Бугунги кунда халқимизнинг суюкли хонандаси бўлиб қолган Ғиёс Бойтоевнинг санъат оламига кириб келиши ҳақида биров билади, биров билмайди, лекин бугун унинг қўшиқларини кўпчилик мухлислар севиб тинглайди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев 1960 йили Сайрам туманининг Қизил қишлоғида таваллуд топган. У 1982 йили Абдулла Қодирий номидаги Маданият институтини туғаллади. Саксонинчи йилларда эфирга чиққан илк «Шириним» қўшиғиёқ хонанда овозининг ширинлиги, таъбир жоиз бўлса, айричалиги, кўнгилларга яқинлиги ила мухлислар қалбидан жой олди. Шундан буён Ғиёс ҳар бир янги қўшиғида тингловчилар қалбини эгаллаган шу «нуқта»ни кенгайтириб, улғайтириб бормоқда. Бугун мазкур «нуқта» қай бир қалбда Ватан – муҳаббат Ватани қадар улғайган бўлса, қай бир қалбда меҳру садоқат қадар кенгайди, қай бир қалбда эса орзу-армон қадар теранлашди. Муҳими, бирорта тингловчи бефарқ қолмади, қололмади. Боиси, Ғиёс тинмай изланиш, ўрганиш ва яратишдан чарчагани йўқ. Халқимиз севиб тинглаётган «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», «Алда мени», «Эрка кийик», «Қарамасанг», «Ёлғон дунё», «Тегирмоннинг чархпалаги», «Ўзимнинг элим», «Бойчечагим», «Менинг севгим», «Тилло сандиқ», «Бир қиз йиғлар», «Райҳон», «Онаизор» каби ўнлаб қўшиқларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ғиёснинг қўшиқчилигимиздаги муваффақиятларида Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф билан ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутади. Муҳаммад Юсуф билан бўлган бир суҳбатимизда ундан Ғиёс Бойтоев ижоди ҳақида сўраганимизда, мухтасар қилиб шундай деган эди: «Мен Ғиёсни аввало инсон сифатида қадрлайман, унинг барча қўшиқларини севиб тинглайман, чунки қўшиқ, ҳақиқий қўшиқ, шундай бўлиши керак, менимча. Ғиёс билан, худо умр



берса, 70 ёшда ҳам ҳамкорлик қилсак биргаликда қўшиқлар яратсак керак». Афсуски, бешафқат ўлим шоирнинг орзуларини ўзи билан бирга олиб кетди.

*Учрашув*

Ҳар қандай қўшиқ бўладиган шеърда оҳанг, шу шеърнинг ўзига хос мусиқаси мавжуд, бастакор эса шуни топа билиши керак, холос. Айни пайтда ҳар қандай гўзал мусиқа гапиради, сизнинг, бизнинг, кўпчиликнинг қалбидаги дарди, армони, хуллас, муқаддас билган туйғуларини сўзлайди. Шунинг учун ҳам мусиқа миллат, тил танламайди, ҳамма қалбга бирдай меҳмон бўлади, ҳаммага бирдай тушунарли. Фақат ҳар бир тингловчи куйқўшиқни ўз диди, савияси даражасида тушунади. Ғиёс Бойтоев қўшиққа сўз танлашдагина эмас, танланган шеърга мос куй басталашда ҳам ўта талабчан. Шундан бўлса керакки, бугунга келиб зангори экрандами, ҳаво мавжларидами, кўплаб ёшлар ижро этадиган қўшиқлар бошланишидан мусиқасини тинглаб, ҳали қўшиғини эшитмай туриб тингловчи:«Ҳозир Ғиёс янги қўшиқ айтса керак», деб ўйлайди.

Айтмоқчимизки, Ғиёс Бойтоев яратган оҳанглар шу қадар қалбларга яқинки, ёшлар, балки беихтиёр тақлид қилишар...

*... Тинар бўлса қўлимдаги тор, дунё,*
*Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё,*
*Еру кўкни титратиб зор-зор дунё,*
*Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...*

Бугунги кунда хонандаларнинг элга танилишида катта хизматлари сингадиган, ўзи панада қоладиган бир шахс бор, негадир у ҳақда гапириш бизда одат тусига кирмаган. У шахсни Оврўпода «продюсер» дейишади.

Қаҳҳор ака Ширинбоев ўзи ихлос қўйган хонанданинг келажаги борлигига, ҳали у эндигина катта санъат йўлида илк қадамлар қўйган пайтиданоқ ишонч билан қараган ва шу хонанда эл ҳурмат-эътибори, ҳатто муҳаббатига сазовор бўлиши йўлида беминнат хизмат қилиб келаётган ана шундай инсонлардан бири.

Қўшиқ яратилиши жараёнидан халққа етиб боргунча ўтадиган вақт оралиғида тингловчи тасаввурига сиғмайдиган ташвишлар мавжуд. Ижодкор ишнинг бу каби ташкилий томонлари билан ўралашиб қолса, табиий, тўла имкон билан ижод қила олмайди, оқибат яратилажак қўшиққа ҳам салбий таъсири бўлиши мумкин. Ғиёс Бойтоев ижодига шароит яратиб, барча ташкилий ишларни сидқидилдан бажариб келаётган Қаҳҳор ака буни ниҳоятда нозик тушунади.

*Ўтар қанча йиллар тўзони,*
*Юлдузлар кўз ёши самонинг,*
*Ўтар инсон яхши-ёмони,*
*Меҳр қолур, муҳаббат қолур...*

Албатта, Ғиёс Бойтоев лирик хонанда сифатида танилган, лекин ижодкор аксари ҳолларда кўп қиррали шахс бўлади. Шу маънода Ғиёс мусиқа басталайди, шеърлар ёзиб туради.

Бизнинг эса, севимли хонандамиз ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам туркум қўшиқлар ижро этсайди, деган тилагимиз бор. Зеро, у «Ўзимнинг элим» қўшиғи билан мазкур йўналишда ҳам катта муваффақият қозониши мумкинлигига умид туғдирди.

*Сени етти иқлим тан олгани рост,*
*Мадҳинг қўшиқ бўлиб таралгани рост,*
*Воз кечган хешларинг талпингани рост,*
*Шавкатингдан айланай, ўзимнинг элим.*

Бинобарин, ижтимоий-сиёсий йўналишда қўшиқлар яратиш борасида қўшиқчилигимизда кемтик мавжудлиги аниқ. Ҳақиқий ижодкор эса, шундай кемтикларни тўлдириши керак, тўлдиради ҳам. Зеро, қуйидаги сатрлар бунга ишонч уйғотади:

*Куйган бандаларнинг зори билинсин,*
*Сотқинлара дунё дори билинсин,*
*Ҳақ, деганнинг асл кори билинсин,*
*Сен қўшиқ айтганда куй бўзлаганда.*
*Ошиқларнинг ёри бори билинсин,*
*Йигитларнинг ори бори билинсин,*
*Туркистоннинг тори бори билинсин,*
*Сен қўшиқ айтганда, куй бўзлаганда.*

Ғиёс Бойтоев умид билан олға интилаётган, униб-ўсаётган, юксалаётган хонанда. Унинг эл-юртга қилаётган хизматлари муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. Бугун хонанда камтарлик билан халққа хизмат қилишда давом этмоқда, янги қўшиқлар яратиш иштиёқи билан ёниб яшамоқда. Ғиёснинг репертуарига эътибор берсангиз, меҳр-муҳаббат туйғуси устунлигини англайсиз. Ҳа, у меҳр-муҳаббат куйчиси, зеро, бу беш кунлик дунёда меҳр қолур, муҳаббат қолур!

**Баҳром ҒОЙИБ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Президент Матбуот хизматининг етакчи консультанти Мамади Раҳмонов (Муҳаммад Раҳмон)га ўғли **УМИДЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти шоир Муҳаммад Раҳмонга ўғли **УМИДЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ ҳофизи **Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Саодат» журнали таҳририяти журнал мухбири Холтош Усмоновага ўғли **УМИДЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади

"Олтин мерос" жамғармаси қошидаги "Ойжаҳон" шўъба корхонаси тугатилади. Эътирозлар бир ой давомида қабул қилинади.

**Газетамизнинг навбатдаги сони 21 декабрда чиқади.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50* *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48* *Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 3109. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.